Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 6 январь, № 2 (6185) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2015 йилнинг февраль — март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2015 йилнинг март — апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг Котиби В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 декабрь

ҲАР БИР ИНСОН МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан юртимиз бўйлаб ўтказилаётган "Маҳорат дарслари" ана шу эзгу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

ҒАМХЎРЛИК

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ҳар бир соҳада ўзининг юксак самараларини бермоқда. Илгари тушимизга ҳам кирмаган қулайликлар, кўнгилдагидек умргузаронлик қилиш қўлетмас орзу бўлиб кўринган шарт-шароит эндиликда одатий ҳолдек туюлаяпти. Оддий мисол, ҳозир юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоқларига борсак ҳам, у ерда марказий жойлардан қолишмайдиган даражадаги кўркам ва замонавий тураржойлар, маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш шохобчалари қад ростлаётганини кўрамиз. Одамларнинг ҳаётга муносабати тубдан ўзгараётганига, ҳар бир фуқаро элим деб, юртим деб, ёниб яшаётганлигига амин бўламиз.

Энг муҳими, бундай ислоҳотлар бардавом эканлиги билан юртдошларимиз қувончига қувонч қўшиб, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида таъкидланганидек: "Бир муҳим масалани эсимиздан, хаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегаланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшаши мумкин".

Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида кузатилаётган доимий янгиланишлар аҳолининг сифатли тиббий ёрдамдан фойдаланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, инсон борки, бахтиёр яшашни истайди. Бундай юксак орзуга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири эса, шак-шубҳасиз, саломатликдир. Истиқлол бизга ана шундай бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлиш имконини берди. Хусусан, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб бурилишлар туфайли малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифати юксалди, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ўзига хос миллий модели шаклланди.

Бугун нафақат аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, балки илғор даволаш усуллари ҳамда фан ютуқларини амалиётга жорий этиш борасида ҳам ниҳоятда улкан ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бунинг натижасини кейинги йилларда нафақат пойтахтимиз, балки вилоятларда ҳам турли мураккаб жарроҳлик операциялари муваффақиятли ўтказилаётганлиги мисолида яққол кўриш мумкин. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эзгу ташаббуси соҳа ривожида ўзига хос мазмун ва моҳият касб этади. Бунга кўра, қатор нуфузли тиббиёт марказлари, хусусан, хирург, акушер-гинеколог, терапевт, педиатр, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, оториноларинголог, уролог, ортопед-травматолог, нейрохирург, онколог, дерматолог, фтизиатр ва пульмонолог каби ўнлаб мутахассислар мамлакатимиз бўйлаб "Маҳорат дарслари"ни ўтказишни бошлашди.

(Давоми 3-бетда).

2014 йилда «Соғлом она — соғлом бола» лойиҳаси доирасида жами **13600000** нафардан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2015 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар.

Жумладан, Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг табрикномасида шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Америка халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Янги йилда тинчлик ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

2015 йилда мен барча учун янада барқарор ва хавфхатарсиз дунёни барпо этиш борасида мамлакатларимиз ўртасидаги шериклик ва биргаликдаги фаолиятимиз мустаҳкамланишини сабрсизлик билан кутмоқдаман.

Самимият ила
Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти»

Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаганлар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби **Пан Ги Мун**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири **Ли Кэцян**

Мўғулистон Президенти **Цахиагийн Элбегдорж**

Ирландия Президенти **Майкл Хиггинс**

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири **Йоичи Миязава**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Дмитрий Мезенцев**

БМТ Бош котибининг вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий марказ раҳбари **Мирослав Енча**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари **Юрий Штерк**

Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори **Виктор Гришин**

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

Тинчлик ва осойишталик шарофати

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини барчамиз катта ҳаяжон билан тингладик. Унда якунига етган йил мамлакатимиз учун самарали ва хосиятли бўлгани алоҳида таъкидланиб, эришган ютуқ ҳамда марраларимиз юксак эътироф этилди. Бундан чексиз фахр ҳиссини туйдик.

ДИЛ СЎЗИ

Қишлоқда яшаймиз. Касбимиз тақозосига кўра, ҳамиша оддий одамлар орасида бўламиз. Чиндан ҳам, 2014 йилнинг баракаси ҳар бир юртдошимиз ҳаётида акс этганига гувоҳмиз. Шаҳарларни-ку айтмай кўя қолайлик, бугун энг чекка қишлоқларимиз ҳам ободлик ва фаровонликка юз тутди. Аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари изчиллик билан рўёбга чиқарилаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этилаётгани халқимиз турмуш даражасини тубдан ўзгартириб юборди.

Тўйтепа томонларга йўлингиз тушган бўлса, қишлоғимиз оралаб ҳам ўтгансиз. Бу ердаги ободлик ва фаровонликни, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳавасингиз келгандир?! Бир пайтлардаги каби йўл ёқасидаги пасқам, лойшувоқ уй-жойлар йўқ энди.

(Давоми 2-бетда).

Юрт посбонлари эл ардоғида

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган, юксак тайёргарликка эга Қуролли Кучларимизни барпо этиш баробарида, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими ҳам йўлга қўйилди.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Хусусан, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, бу объектларда бугунги кун талабларига ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича махсус давлат дастурлари қабул қилингани бунинг яққол тасдиғидир. Ана шу ҳужжатларнинг изчил ижроси туфайли ҳозирги пайтга қадар кўплаб ҳарбий хизматчилар шинам уй-жойлар ва бошқа зарур инфратузилма объектлари билан таъминланди. Масалан, Наманган вилоятида ҳам Ватан ҳимоячиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак эътиборидан баҳраманд бўлиб, ўз бурчларини сидқидилдан адо этишаяпти.

Соғлом бола йилида кичик сержант Асрорбек Меҳмонов оиласи янги уйнинг калитини қабул қилиб олди. Ўз ҳаётини шарафли ишга бағишлаган ҳарбий хизматчи давлатимизнинг эътиборидан миннатдор.

— Мен ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири деб биламан, — дейди Асрорбек. — Қадрдон оилам, севимли касбим бор. Катта орзу-умидлар билан уч фарзандни вояга етказаяпмиз. Мана, энди кўркам уйга эга бўлдик. Хонадонимиздаги шароитга ҳавас қилса арзийди. Ҳаёт завқидан баҳраманд бўлиш учун булардан ортиқ яна нима керак? Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик биз, ҳарбийларни халқимизга, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов якунланди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, 2015 йил 4 январда 22 та сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш натижаларини инобатга олган ҳолда мамлакат парламенти Қонунчилик палатаси сайлови якунлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов қайд этганидек, сайлов амалдаги сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, унда мустаҳкамлаб қўйилган очиқлик, ошкоралик ва муқобиллик тамойилларига ҳамда демократик принципларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида кўзда тутилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирларнинг изчил амалга оширилгани бунга кўп жиҳатдан имкон берди. Қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талаблар барча учун бир хил ва мажбурий эканлигига сайлов кампанияси даврида тўлиқ ва оғишмай амал қилинди.

Сиёсий партияларнинг кескин рақобати натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 22 та сайлов округида номзодларнинг биронтаси ҳам сайланиш учун зарур овозларни тўплай олмади. Шу муносабат билан 2015 йил 4 январь куни ушбу округларда такрорий овоз бериш ўтказилди.

Такрорий овоз беришда сайловчилар рўйхатига фамилиялари киритилган 3 миллион 434 минг 345 нафар сайловчидан 2 миллион 642 минг 63 нафар сайловчи иштирок этди ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 76,9 фоизини ташкил қилади.

Такрорий овоз бериш миллий сайлов қонунчилигининг барча қоидаларига мувофиқ умумэътироф этилган халқаро стандартлар асосида очиқ ва ошкора ўтказилди. Тегишли округларда депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб бориш ва бу мақсадда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиши мумкин эди. Такрорий овоз беришда сиёсий партияларнинг 5700 дан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 нафар депутати рўйхатга олинди. Шундай қилиб, 135 та сайлов округининг барчасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови якунланди.

Шу куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2015 йил 4 январь куни 22 та сайлов округида ўтказилган такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 11, 44, 45, 48, 49-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов округларида сайланган 22 нафар депутат иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 5 январь

Илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов округларида такрорий овоз бериш натижасида сайланган депутатлар РЎЙХАТИ

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Акрамова Зулайхо Абдуразоқовна	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Жиззах вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри	30-Дўстлик сайлов округи
2.	Арзикулов Сахобиддин Жиянбоевич	1969	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилояти филиали директори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	52-Булунғур сайлов округи
3.	Арипов Даврон Рахимович	1974	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, партиясиз	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	78-Бекобод сайлов округи
4.	Бекатова Зумрад Рахимбаевна	1968	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш ишини ташкил қилиш бўлими бош мутахассиси	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри	3-Элликқалъа сайлов округи
5.	Жумабаев Акмалжон Адилович	1983	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси	"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти Кенгаши раиси	Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани	10-Олтинкўл сайлов округи
6.	Кулматов Шерзод Дустмуратович	1981	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри	67-Оқолтин сайлов округи
7.	Матякубов Анварбек Эгамович	1960	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Хоразм вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош мутахассиси	Хоразм вилояти, Урганч тумани	106-Боғот сайлов округи
8.	Мирзаев Кахрамон Элмуратович	1982	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Юридик бўлими катта референти	Сурхондарё вилояти, Денов тумани	74-Денов сайлов округи
9.	Норбаев Турсунпулат Юсупович	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раиси	Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани	71-Жарқўрғон сайлов округи
10.	Пирматов Жамшид Азимович	1977	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси	АТИБ "Ипотека-банк" Қашқадарё вилояти филиали бошқарувчиси ўринбосари	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри	115-Нишон сайлов округи
11.	Рахманов Акмал Эргашевич	1967	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	45-Уйчи сайлов округи
12.	Тожиев Козим Ўктамович	1984	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси	"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти Кенгаши раиси	Навоий вилояти, Навбаҳор тумани	34-Навоий сайлов округи
13.	Тошкулов Абдукодир Хамидович	1976	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	70-Термиз сайлов округи
14.	Турсунов Муродулла Холсаидович	1979	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Сурхондарё вилояти бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри	72-Қумқўрғон сайлов округи
15.	Умаралиев Акмалжон Акбаралиевич	1974	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	89-Дўстобод сайлов округи
16.	Умирзаков Акмалжон Ахаталиевич	1981	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Миллий тикланиш" ДП аъзоси	Тошкент давлат юридик университети "Халқаро оммавий ҳуқуқ" кафедраси мудири	Тошкент шаҳри, Сергели тумани	95-Риштон сайлов округи
17.	Хакимов Рахим Расулжонович	1983	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	48-Чуст сайлов округи
18.	Холияров Ёрмамат Бердикулович	1960	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг давлат бош инспекцияси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	73-Шўрчи сайлов округи
19.	Холов Уткир Шомуродович	1970	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	23-Шоҳруд сайлов округи
20.	Хусанова Мухтабар Акбаровна	1983	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	124-Оқтепа сайлов округи
21.	Шарафутдинов Шухрат Хурсанович	1965	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давлатлараро барқарор ривожланиш бўйича комиссияси Илмий ахборот бўлими раҳбари	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	91-Данғара сайлов округи
22.	Эшонкулов Бунёджон Махамадалиевич	1982	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, партиясиз	Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани	98-Марғилон сайлов округи

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов якунланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказий сайлов комиссияси раиси брифинг қатнашчиларига маълум қилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижаларига кўра, парламент қуйи палатасига 150 нафар депутат, шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар; Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайланди. 15 нафар депутат Ўзбекистон экологик ҳаракатининг вакилидир. Сайланган депутатларнинг 24 нафари ёки 16 фоизи хотин-қизлардир.

Сайланган депутатларнинг 40 нафари ёки 27 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу уларнинг ўз сайловчилари ишончига сазовор бўлганлиги тасдиғи бўлиб, парламентимиз қуйи палатаси профессионал фаолиятида уларнинг тажрибаси ва қонун ижодкорлиги борасида амалий қўникмаларидан янада самарали фойдаланиш имкониятини беради. Шуни қайд этиш керакки, Олий Мажлис қуйи палатаси таркибида жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари бор.

Сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти катта омил бўлиб хизмат қилди. Сайлов жараёнини 550 дан ортиқ маҳаллий ва 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашрлар ёритиб борди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 9 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Сайловни кузатишда 5 та халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда 52 та давлатдан 340 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, сиёсий партияларнинг 70 мингдан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакиллари қатнашди.

Барча бўғиндаги сайлов комиссиялари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик тамойиллари асосида фаолият олиб боргани сайловларнинг умумэътироф этилган демократик принциплар, мамлакатимиз сайлов қонун ҳужжатларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилишида ҳал қилувчи омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловда халқимиз Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлига содиқлигини яна бир карра намоён этди.

Қобил ХИДИРОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар ўрнини пишиқ ғиштдан, янгидан барпо этилган 200 га яқин кўп қаватли иморатлар эгаллади. Кўчаларимиз ёруғ ва чароғон бўлди. Яна саф-саф бўлиб турган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларимизни айтмайсизми?! Қолаверса, янги бунёд этилаётган икки ва уч қаватли муҳташам иншоотлардан ўнлаб савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тураржойлар ўрин эгалламоқда. Бу юзлаб янги иш ўринлари дегани ҳамдир.

Дарвоке, Янги йил байрами арафасида тадбиркорларимиздан бири қишлоғимизда маиший ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган уч қаватли мажмуани қуриб, ишга туширди. Бу ерда гўзаллик салонидан тортиб, замонавий либослар галереяси, ҳордиқ зали, тамаддихонагача бор.

Тинчлик ва осойишталик шарофати

Қисқаси, қишлоғимизда айтса арзигулик ижобий ўзгаришлар кўп. Уларга ҳар куни, ҳар жабҳада, ҳар қадамда рўбарў келаяпмиз. Бу, аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик шарофатидандир.

Янги йил Президентимиз таклифига биноан мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб номланди. Бунда хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакилларига ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш, уларнинг дуосини олишдек эзгу мақсадлар мужассам. Зеро, табрикда айтилганидек, "Биз меҳрибон ота-оналаримиз, муҳтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллий ўзлигимиз тимсолига айланиб кетган каттага — ҳурмат, кичикка — иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига сингиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман".

Демак, ана шундай хайрли амаллар рўёби учун барчамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз, Ватанимиз равнақи учун ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Хайринисо МИРЗАЖОНОВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қумовул» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, меҳнат фахрийси.

Юрт посбонлари эл ардоғида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун уй-жойлар бунёд қилишда меъморчиликнинг энг замонавий услублари жорий этилмоқда. Тураржойлар атрофида яратилаётган инфратузилма объектлари эса бу ерда яшовчиларнинг янада мазмунли ҳаёт кечиришига хизмат қилаяпти.

Ўтган йили Поп туманида ҳар бири 32 хонадондан иборат иккита кўп қаватли тураржой биноси ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ихтиёрига топширилди.

— Давлатимиз раҳбари бошчилигида миллий армиямизни модернизациялаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш баробарида, ҳарбий хизматчилар учун намунали шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий муҳофаза этиш масалаларига юксак даражада эътибор қаратилмоқдаки, буни ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз, — дейди ана шундай хонадон соҳибларидан яна бири, катта лейтенант Фаррух Обрўев. — Янги уй бизга жуда ёқди. Хоналардан бирини фарзандларимизга жиҳозлаб бердик. Унда ўқув қуролларидан тортиб, компьютергача бор. Рафиқам Луизанинг хурсанд бўлганини айтмайсизми?! Оилада шундай фаровонлик, хотиржамлик, тинчлик-омонлик ҳукм сурса, ишимизда ҳам самара бўлади. Албатта, бундай ажойиб имкониятларга жавобан бурчимизни шараф билан адо этишимиз, юртимиз тинчлиги ва равнақи учун боримизни аямаслигимиз, қисқача айтганда, ишончни оқлашимиз зарур.

Бундай самимий фикрлар, дил сўзларини миллий армиямиз сафларида хизмат бурчини ўтаётган ҳар бир ҳарбий хизматчидан эшитиш мумкин. Улар мустақиллигимизнинг муносиб қалқонлари, Ватанимизнинг фидойи ўғлонларидир.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирлар нафақат ҳарбий қисмлар, балки мудофаа ишлари билан боғлиқ барча тизимларда изчил олиб борилаётир.

— 2014 йилда бошқармамизнинг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари тураржой билан таъминлангани бунинг амалий тасдиғидир, — дейди Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Дилмурод Турсунматов. — Бундан ташқари, барча ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Қолаверса, ҳарбий хизматчиларимиздан бир қанчаси меҳнат таътилини энг замонавий соғломлаштириш масканларида ўтказиб қайтишди. Яна бир жиҳат: давлатимизнинг ғамхўрлигидан фахрийлар, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган сафдошларимизнинг оила аъзолари ҳам бирдек баҳраманддирлар. Масалан, Қуролли Кучлар сафидан нафақага чиққан Мухторхон Нишонов яқинда янги уйга кўчиб ўтди. Хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аҳрор Пардаевнинг беваси Жумагул Машариповага ҳам Мудофаа вазирлиги томонидан икки хонали хонадоннинг калити топширилди. Унинг фарзандларига эса байрамларда совғалар бериб борилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг ҳаётий ифодаларидир.

Шубҳасиз, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Бугунги замонда фақат ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга, пухта тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама таъминланган Қуролли Кучларгина давлатимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади".

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 6 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1953,69
1 Англия фунт стерлинги	3705,68
1 Дания кронаси	389,04
1 БАА дирҳами	660,01
1 АҚШ доллари	2424,23
1 Миср фунти	339,05
1 Исландия кронаси	18,88
1 Канада доллари	2053,56
1 Хитой юани	389,74
1 Россия рубли	43,11
1 Украина гривнаси	153,74
1 Малайзия рингтити	684,81
1 Польша злотийси	674,39
1 СДР	3512,25
1 Туркия лираси	1034,23
1 Швейцария франки	2410,01
1 евро	2960,23
10 Жанубий Корея вони	21,86
10 Япония иенаси	201,18

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ҲАР БИР ИНСОН МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мақсад ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг савиясини ошириш ҳамда олис ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатишдир. Ушбу йирик ижтимоий акция доирасида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда илмий текшириш институтларининг етук олим ва мутахассислари маҳаллий ҳамкасблари билан ҳамкорликда мураккаб ҳамда нозик операцияларни ҳудудий даволаш муассасаларининг ўзида амалга ошираяптилар.

Табиийки, пойтахтдан малакали шифокорларнинг чекка ҳудудларга бориб, у ерда яшовчи кишиларнинг аҳволидан хабар олиши, саломатлиги билан қизиқиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Шунинг учун бўлса керак, бу галги "Маҳорат дарслари"нинг қамрови янада кенгайиб, тиббиётнинг 20 га яқин йўналишида 300 нафардан зиёд малакали шифокор жалб этилди.

Кеча Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида уюштирилган "Маҳорат дарслари"да пойтахтдан ташриф буюрган мутахассисларнинг иштироки ҳудудлари шифокорлар ҳамда каттаю кичикда яхши таассурот қолдирди.

— Тўрт ойлик фарзандим Жаҳонгирнинг икки кундан бери безовталанишидан хавотирланиб, Тошкент вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказига олиб келгандим, — дейди Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Луиза Авезова. — Бу ерда фарзандимга тезда ташхис қўйишди ва айни пайтда унинг аҳволи яхши. Пойтахтдан ташриф буюрган мутахассислар ўғлимнинг ранг-рўйига қараб, меъёрий ҳолатда ривожланаётганлигини айтишди. Бундан кўнглим анча кўтарилди. Шифокорларнинг биз яшаётган жойга келиб, дилбандларимизнинг ҳолидан хабар олиши



қалбимизга олам-олам қувонч бағишлади. Бунинг учун шундай шароитларни яратиб бераётган, эзгу ташаббусларга бош-қош бўлаётган Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Қайд этиш жоиз, юртимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар боис вилоятлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари, чекка туманлар шифохоналари ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани чуқурлаштирилган тиббий кўрик ва "Маҳорат дарслари"ни самарали ўтказишда қўл келмоқда. Юксак малакали шифокорлар ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаси, кўп тармоқли оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг ўзидаги замонавий тиббий технологиялар ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйишмоқда. Қишлоқлар аҳолиси, диспансер ҳисобида турадиган беморлар, ногиронлар, ёшлар ва хотин-қизларга зарур кўмак ҳамда тавсиялар берилаётир.

— Истиқлолнинг илк йиллариданоқ соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳмедова. — Ана шундай беқиёс ғамхўрлик туфайли Ўзбекистон тиббиётида эришилаётган ютуқлар бугун халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўтган йиллар давомида соҳада илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари фаолияти йўлга қўйилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг ташкил этилгани эса соҳага замонавий технологияларни татбиқ қилиш, тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш имконини бермоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Маҳорат дарслари" ҳам бунга бир мисолдир. Ушбу ижтимоий акцияда марказимизнинг энг тажрибали мутахассислари билан иштирок этиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш баробарида, ҳудуддаги ҳамкасбларимизнинг соҳалар бўйича билимини янада оширишга ўзимизнинг ҳиссамизни қўшаяпмиз.

Халқимизда "Бойликнинг боши — соғлиқ", деган нақл бор. Чиндан ҳам, инсоннинг тўрт мучаси соғ-саломат бўлса, қалбида эзгу орзу-умидлар жўш уриб, элюртга хизмат қилишга чоғланади. Мамлакатимиз миқёсида ўтказилиши яхши анъанага айланган мана шундай ижтимоий акциялар эса соғлиқни сақлаш соҳасининг жадал ривожланаётганини кўрсатиши билан бир қаторда, одамларнинг кайфиятига ижобий таъсир қилаётгани алоҳида аҳамиятлидир. Зотан, поёнига етган йилда соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этиш мақсадида ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, шу асосда ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш бўйича ибратли ишлар қилинди. Жумладан, "Соғлом она — соғлом бола" лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 минг нафардан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг нафар аёл ва 2 миллион 500 минг нафар бола соғломлаштирилди.

Энг муҳими, 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам бундай кенг қамровли тадбирларни давом эттириш кўзда тутилган. Бу эса халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашда асосий омил бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Қисқа сатрларда

● Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай анжуманлардан бири Фарғона шаҳридаги офицерлар уйида ташкил этилди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, шоир ва ёзувчилар, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари қатнашди.

● **Бухорода вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида фахрийлар ва ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир доирасида бир гуруҳ кексалар ҳамда таълим, бадиий ижод, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган ёшлар рағбатлантирилди.**

● Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида "Олимп" деб номланган болалар ёпиқ сув ҳавзаси очилди. Мазкур спорт саройини бунёд этишга 2 миллиард 145 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу ерда йилнинг исталган фаслида сув спорти турлари билан шуғулланиш, йирик мусобақалар ўтказиш учун барча шароит мавжуд.

● **Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида маиший ёки ис газидан заҳарланиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, шунингдек, хавфли юқумли касалликларга қарши курашишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Жаҳон хом ашё биржаларида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида нефть нархи сезиларли даражада пасайди.

Нефть нархидаги энг паст кўрсаткич



Хусусан, Лондондаги "ICE" биржасида "Brent" типидаги "қора олтин"нинг бир баррели 55,26, Нью-Йорк хом ашё биржасида эса "WTI" маркали нефтнинг шунча миқдордагиси 51,92 АҚШ долларига баҳоланди. Манбада айтилишича, ушбу маҳсулот қийматига оид бундай паст кўрсаткич 2009 йилнинг май ойидан буён биринчи марта қайд этилди.

2014 йилда углеводород хом ашёси нархи аввалги йилдагига нисбатан 48 фоиз арзонлашди.

Голиблар эълон қилинди

АҚШ кинотанқидчилар миллий уюшмаси йил сарҳисобини эълон қилди.



Унга кўра, режиссёр Жан-Люк Годарнинг "Хайр, нутқ" номли киноасари "2014 йилнинг энг яхши фильми" деб топилди. Майк Лининг "Уильям Тернер" номли биографик фильмида бош ролни ижро этган Тимоти Сполл якунланган йилнинг "Энг яхши актёри", Жан-Пьер ва Люк Дарденнинг "Икки кундуз, бир кеча" киноасарида асосий қаҳрамон образини яратган Марион Котийяр "Энг яхши актриса" сифатида эътироф этилди.

"Энг яхши режиссёр" номига "Ўсмирлик" фильмини суратга олган Ричард Линклейтер, "Энг яхши сценарий муаллифи" мукофотига Уэс Андерсон ("Отель Гранд Будапешт") лойиқ кўрилди. Лора Пойтраснинг "Тўрт рақами остидаги фуқаро" фильми "Энг яхши ҳужжатли кинокартина" йўналишида ғолиб чиқди.

Тадқиқотчилар хулосаси

Бир гуруҳ халқаро олимлар саратон хасталигининг аксарият турлари инсонларда ҳужайраларнинг тасодифий бўлиниши туфайли юзага келишини аниқлашди.

Шу боис улар ушбу хасталикнинг пайдо бўлиши фақат генетика, атроф-муҳит ёки ҳаёт тарзига боғлиқ эмас, деган фикрни илгари суришаяпти. Тадқиқот давомида саратоннинг 31 тури бўйича кузатишлар олиб борилди. Якунда уларнинг учдан икки қисмида ташқи ёки генетик таъсирлар йўқлиги маълум бўлди.

Ўз навбатида, мутахассислар ҳаёт сифати ва экологиянинг яхшиланиши ўпка саратони ҳамда терида ҳосил бўладиган турли ўсимталарнинг олдини олиши мумкинлигини таъкидлаб ўтишган.

Кимошдида мовий тунец

Токио шаҳридаги машҳур Цукидзи балиқ бозорида ўтказилган йилнинг илк кимошди савдосида мовий тунец балиғи 4,51 миллион иена (37,5 минг АҚШ доллари)га сотилди.

Тинч океанидан тутилган ушбу жониворнинг оғирлиги 180 килограммга тенг бўлиб, у "Sushi-Zanmai" ресторанлар тармоғи томонидан харид қилинган.

Айтиб ўтиш жоиз, бу мовий тунец нархи бўйича рекорд кўрсаткич эмас. Чунки ўтган йили оғирлиги 222 килограмм тош босадиган худди шундай балиқ қарийб 1,8 миллион АҚШ долларига сотилган эди. Эътиборлиси, ўшанда ҳам "Sushi-Zanmai" энг катта таклиф билан кимошдида бошқалардан устунлик қилган.

Бино қулаб тушди

Кения пойтахти Найроби шаҳрида олти қаватли тураржой биноси қулаб тушди.

Оқибатда бир киши ҳалок бўлди, 22 нафар одам тан жароҳати олди. Воқеа юзасидан Том Одонго округи маъмурияти суриштирув олиб бораяпти. Ушбу мамлакатда худди шунга ўхшаш фожиа ўтган йилнинг 18 декабрь куни ҳам содир бўлган эди.

Маълум қилинишича, бундай кўнгилсизликларга биноларни бунёд этиш жараёнида хавфсизлик қоидаларига етарлича эътибор қаратилмагани ҳамда сифатсиз қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилгани сабаб бўлмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХИЗМАТ

Замонавий шаҳарсозлик талабларига кўра, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатувчи автобусларнинг бекатларга келиб-кетиш оралиқ вақти ўртача 10 дақиқани ташкил этиши керак. Урганч шаҳрида ҳам аллақачон ана шундай натижага эришилган.

Замонавий транспорт имкониятлари

Гап шундаки, кейинги икки йилда ҳудуд аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатадиган автопарк бутунлай янгиланди. Бунинг учун Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 116 та "Isuzu" русумли автобус келтирилиб, 14 та йўналишда қатновлар йўлга қўйилган эди. Ўтган йилда эса транспорт қатновини янада яхшилаш мақсадида 20 та ана шундай автобус харид қилиниб, қўшимча 3 та янги йўналиш ташкил этилди. Жорий йилда бундай транспорт воситалари сонини яна 25 тага кўпайтириш кўзда тутилган.

Эътиборлиси, лизинг асосида сотиб олинаётган автобуслар хавфсизлиги ҳамда қулайлиги билан йўловчиларга манзур бўлаяпти.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Самарқанд туманидаги "Сам Рофат текстиль" масъулияти чекланган жамияти — барқарор фаолият кўрсатаётган корхоналардан бири.

Корхона қуввати ортди

Бахмал матолари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур хўжалик субъектига яқинда банкнинг 2 миллиард сўмлик кредити эвазига Япония ва Бельгия давлатларидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Натижада корхона қуввати ортиб, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланди. Шу билан бирга, турли сочиқлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

— Модернизациялаш тадбирларидан сўнг дастлабки 50 минг АҚШ долларилик экспорт амалиётини бажаришга улгурдик, — дейди корхона раҳбари Содиқ Ҳамдамов. — Бундан ташқари, ўттиз киши иш билан таъминланди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Президентимиз тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2014 йил 14 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор инсонпарварлик, халқимизнинг ўзига хос бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ушбу ҳужжатда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар, ногиронлар, оғир бўлмаган жиноят содир этганларни жазодан озод этиш кўзда тутилган. Айни пайтда жойларда ушбу қарор ижроси таъминланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида бир гуруҳ маҳкумларга нисбатан мазкур амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод этилди. Улар орасида Бахтиёр Тожибоев ҳам бор.

— Билиб-билмай қилган хатомни авф этгани, ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишим учун имконият бергани учун давлатимиз раҳбаридан ғоят миннатдорман, — дейди Б. Тожибоев. — Энди ҳалол меҳнат қилиб, эл-юртимиз фаровонлиги ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга, фарзандларимни комил инсонлар этиб тарбиялашга астойдил ҳаракат қиламан.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жазодан озод этилганларнинг жамиятга мослашиши, иш билан таъминланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАН 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2014 йил 25 декабрдаги 13, 32-Қ/Қ, 85-сонли қарори.*

2014 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2644 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

2. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2014 йил 25 декабрдаги 13, 62, 33-к/к-сонли қарори.*

2014 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2645 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

3. «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2014 йил 26 декабрдаги 14-сонли буйруғи.*

2014 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981-3 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

4. «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги 310-мх-сонли буйруғи.*

2014 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-4 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

5. «Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги 311-мх-сонли буйруғи.*

2014 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2646 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

6. «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомнинг 69-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2014 йил 26 декабрдаги 211/1-сонли қарори.*

2014 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2440-1 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

7. «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 83-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2014 йил 26 декабрдаги 211/2-сонли қарори.*

2014 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2441-1 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

8. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитларни етказиб бериш ва улар учун ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 2 декабрдаги 10-сонли буйруғи.*

2014 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2647 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

9. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 315-мх-сонли буйруғи.*

2014 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-2 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

10. «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 316-мх-сонли буйруғи.*

2014 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-3 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

11. «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг 65-бандига қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 317-мх-сонли буйруғи.*

2014 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-2 (2014 йил 31 декабрдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарор *(рўйхат рақами 2535, 2013 йил 10 декабрь). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

Хабар

Адлия вазирининг 2014 йил 9 декабрдаги 285-мх-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

2. «2014 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор *(рўйхат рақами 2523, 2013 йил 15 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 292-мх-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

3. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарор *(рўйхат рақами 2616, 2014 йил 15 сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги 307-мх-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

4. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор *(рўйхат рақами 2619, 2014 йил 8 октябрь). Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги 308-мх-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи, патологик анатомия ва секцион курси кафедрасининг собиқ профессори

Давлат Расулович ҚЎЛДОШЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бир туп лимон фойдаси

ИНТИЛИШ

Ширин шаҳрининг Фарҳод маҳалласида яшовчи Маҳбубахон ва Меликўзи Жалоловларнинг бири педагог, бири муҳандис-энергетик касбида узоқ вақт фаолият юритиб, нафақага чиққач, оилавий бизнес билан шуғуллана бошладилар. Бунинг учун хонадон ихтиёрига маҳаллий ҳокимлик томонидан 0,5 гектар ер ажратиб берилди.

Жалоловлар бундан йигирма йил олдин ўз томорқаларида 3,5 сотихлик иссиқхона қуриб, зироатчиликнинг мазкур йўналиши бўйича етарли тажриба тўплашган эди. Шу боис ажратилган майдоннинг саккиз сотихида яна бир иссиқхона ташкил этиб, унга 100 туп лимон кўчати ўтқазишди. Қолган майдонда эса боғ барпо қилинди.

— Лимон кўчатларини фарғоналик боғбонлар етиштириб беришди, — дейди Маҳбубахон Жалолова. — Маълумки, бу цитрус ўсимлик иссиқхонада ўстириладиган бошқа экинлар каби юқори ҳарорат талаб қилмайди. Ҳосили эса мўл бўлади. Масалан, иссиқхонамизда парваришланган лимонларнинг ҳар тупидан 100-150 килограмм мева олишни мўлжаллаяпмиз. Бошқача айтганда, бир туп лимон дарахти оиламиз бюджетига 500-600 минг сўм атрофида даромад келтирмоқда.

Айтиш жоизки, Фарҳод маҳалласида лимон етиштириш билан шуғулланаётган оилалар кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, Жамила Бегалиева, Норқўзи Қирғизбоев ҳам ўз хонадонларида оилавий тадбиркорликнинг ана шу йўналишини йўлга қўйишган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Электрон қўриқчи

Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей битирувчиси Моҳигул Шукурова кам кучланишли электр қуввати юбориш орқали олма қуртини зарарсизлантириш ҳамда оддий тўрдан ясалган тутқич-мослама билан ҳашаротларга қарши курашиш йўлини топди.

ТАЖРИБА

Мазкур илмий тадқиқот олмазорларда синаб кўрилиб, юқори ҳосил олишда қўл келиши аниқланди. Мутахассислар ва боғбонлар ҳам бу усулга юқори баҳо беришмоқда.

— Олма қурти ривожланиш даврида оддий аккумулятор ёрдамида зарарсизлантирилади, — дейди Қарши давлат университетининг биология кафедраси доценти, лойиҳа илмий маслаҳатчиси Жўра Бердиев. — Дарахтнинг юқори ва ўрта қисмига жойлаштириладиган сим тутқичлар қуртнинг ғумбакка кириши учун шароит яратиб, ундан пайдо бўлган капалаклар уруғ қўйиш даврида тўрдан чиқиб кета олмайди. Айтиш керакки, вилоятда, хусусан, тоғ ва тоғолди ҳудудларда кўп тарқалган бундай ҳашаротлар ҳосилдорликка жиддий хавф туғдиради. Олимлар томонидан ушбу зараркунандадан ҳимояланишнинг бир қатор кимёвий ва биологик йўллари аниқланган. Эътиборлиси, янги усул турли кимёвий препаратларга нисбатан арзон ҳамда атроф-муҳит учун зарарсиздир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Нукус шаҳри марказида лойиҳа қиймати 1 миллиард 764 миллион сўмлик замонавий новвойхона ва чойхона фаолияти йўлга қўйилди.

Хориж технологиясида ширмойнон

Кунига 3 тоннагача нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу хўжалик юритувчи субъект иш бошлаши билан 15 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

— Германиянинг "Wachtel" компанияси жиҳозларини бежиз танламадик, — дейди корхона мутасаддиси Дарябай Ержанов. — Чунки мазкур технология энергияни 30 фоиз тежайди. Қисқа вақт ичида керакли иссиқликни жамғариб, маҳсулот пишишини тезлаштиради. Савдога чиқарилган дастлабки ширмойнонларимиз харидорлар эътирофига сазовор бўлаётганидан хурсандмиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ўрнида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 152 069 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 00.15 2 3 4 5